

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.06/2025.27.12.Tib.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ**

**ИСХАКОВ НУРБЕК БАРКАМОЛОВИЧ**

**COVID-19 ИНФЕКЦИЯСИГА ЧАЛИНГАН БЕМОРЛАР ҲОЛАТИ  
КЕЧИШИНИ БАШОРАТЛАШ ВА САМАРАЛИ ДАВО УСУЛЛАРИНИ  
ТАНЛАШ**

**14.00.40 – Шошилинч тиббиёт**

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2026**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Исхаков Нурбек Баркамолович**

COVID-19 инфекциясига чалинган беморлар

ҳолати кечишини башоратлаш ва

самарали даво усулларини танлаш..... 3

**Исхаков Нурбек Баркамолович**

Прогнозирование течения состояния пациентов

с коронавирусной инфекцией COVID-19 и выбор

оптимальных вариантов лечения..... 27

**Iskhakov Nurbek Barkamolovich**

Prediction of the Clinical Course and

Selection of Effective Treatment Strategies

for Patients with COVID-19 Infection..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 56

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.06/2025.27.12.Tib.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ**

**ИСХАКОВ НУРБЕК БАРКАМОЛОВИЧ**

**COVID-19 ИНФЕКЦИЯСИГА ЧАЛИНГАН БЕМОРЛАР ҲОЛАТИ  
КЕЧИШИНИ БАШОРАТЛАШ ВА САМАРАЛИ ДАВО УСУЛЛАРИНИ  
ТАНЛАШ**

**14.00.40 – Шошилинч тиббиёт**

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2026**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Tib1804** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.emerg-centre.uz](http://www.emerg-centre.uz)) ва «Ziyounet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Шарипова Висолатхон Хамзаевна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Таджиев Ботир Мирхамитович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Алимова Хилола Нўлатовна</b> тиббиёт фанлари доктори
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Андижон давлат тиббиёт институти</b>

Диссертация химояси Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази хузуридаги DSc.06/2025.27.12.Tib.18.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил «17» 02 соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100115, Тошкент, Чилонзор тумани, Кичик халқа йўли, 2. Тел.: (+99878) 1504600; факс: (+99878) 1504605; E-mail: [uzmedicine@mail.ru](mailto:uzmedicine@mail.ru)).

Диссертация билан Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (01 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент, Чилонзор тумани, Кичик халқа йўли, 2. Тел.: (+99878) 1504600; факс: (+99878) 1504605, E-mail: [uzmedicine@mail.ru](mailto:uzmedicine@mail.ru))

Диссертация автореферати 2026 йил «02» 02 кунни тарқатилди.

(2026 йил «02» 02 даги 01 -рақамли реестр баённомаси).



**А.М.Хаджибаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Х.Э.Анваров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича  
фалсафа доктори, катта илмий ходим

**Б.К. Алтнев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё миқёсида ҳар куни юқумли касалликлар оқибатида тахминан 50 мингга яқин ўлим ҳолатлари қайд этилмоқда. Юқумли касалликлар ҳали ҳам умумий ўлим кўрсаткичлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб, шунингдек, барвақт ўлимнинг асосий сабаби бўлиб қолмоқда<sup>1</sup>. 2020 йилда пайдо бўлган SARS-CoV-2 вируси чақирган COVID-19 пандемияси жаҳон миқёсида мисли кўрилмаган вазиятни юзага келтирди. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, бутун дунё бўйлаб 774,6 миллиондан ортиқ тасдиқланган ҳолат қайд этилган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ)нинг маълумотларига кўра, бугунги кунда Ер юзида 1,2 мингдан ортиқ юқумли касалликлар мавжуд бўлиб, улар сабабли юзага келадиган ўлим ҳолатлари дунёдаги умумий ўлим кўрсаткичларининг тахминан тўртдан бир қисмини ташкил этади. Ривожланаётган мамлакатларда эса ушбу кўрсаткич деярли ярмини ташкил қилади. Ҳар йили дунё бўйлаб 2 миллиардга яқин инсон юқумли касалликлар билан касалланади ва уларнинг 17 миллионга яқини ана шу касалликлар оқибатида ҳаётдан кўз юмиши қайд этилган. 2020 йил 30 январь куни ЖССТ COVID-19 юқумли касаллигининг тарқалишини халқаро аҳамиятга эга фавқулодда вазият деб эълон қилган, 11 март куни эса пандемия сифатида расмий равишда эътироф этган. 2025 йил январ ҳолатига кўра, жаҳон миқёсида 777 миллиондан ортиқ касалланиш ҳолатлари қайд этилган бўлиб, 7 миллиондан зиёд ўлим ҳолатлари тасдиқланган. Ушбу кўрсаткичлар COVID-19 пандемиясини инсоният тарихидаги энг кўп инсон талафотига сабаб бўлган пандемиялардан бири сифатида намоён қилади<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикасида пандемия бошланган илк кунларданок COVID-19 билан касалланган беморларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча босқичларида малакали тиббий хизмат йўлга қўйилди. COVID-19 билан касалланган беморларни даволашда касалликнинг оғирлик даражасини баҳолаш ва унинг кечишига доир прогнозни аниқлаш, шунингдек, беморларни саралаб, махсуслашган даволашни эрта бошлаш учун тўғри триаж (саралаш) тактикасини белгилаш устувор аҳамият касб этди. Юртимизда COVID-19 билан боғлиқ вазият юзага келган илк кунлардан бошлаб аҳолига тиббий ёрдамни ташкил этиш ва таъминлаш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йил 29 январда “Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясини ташкил этиш тўғрисида”ги Ф-5537-сонли Фармойиш қабул қилинди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар уни жаҳон

<sup>1</sup> Roberts D. L., Rossman J. S., Jarić I. Dating first cases of COVID-19 //PLOS Pathogens: journal. – 2021. – Т. 17. – №. 6.

<sup>2</sup> David Adam. 15 million people have died in the pandemic, WHO says. The World Health Organization’s long-awaited estimate of excess COVID deaths is in line with other studies. Nature. – 2022.

стандартлари даражасига кўтаришга, жумладан, турли касалликлар бўйича тиббий ёрдам сифатини оширишга қаратилган. Ушбу диссертацион тадқиқот маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590 “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида” ва 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985 “Шошилиш тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари билан тасдиқланган вазифаларнинг бажарилишига хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, COVID-19 билан касалланган беморлар умумий популяциясида ўлим хавфини оширадиган асосий омилларидан бири коморбидлик ҳисобланади. Хусусан, қандли диабет, семизлик, гипертония касаллиги, юрак, ўпка, жигар ва буйракнинг сурункали касалликлари ҳамда деменция шулар жумласидандир<sup>3</sup>. Бу омиллар бир нечта мета-таҳлиллар ва ретроспектив тадқиқотлар асосида аниқланган бўлиб, энг йирик танлов 20133 нафар беморни ўз ичига олган. Кўплаб тадқиқотларда эркак жинси ўлим хавфи юқори бўлиши билан боғлиқ эканлиги тасдиқланган. Шунингдек, катта ёш ҳам асоратли инфекциянинг хавф омилларидан бири сифатида қайд этилган. Бироқ, муаллифлар мета-таҳлил натижалари асосида ёш кўрсаткичи конфаундер (аралаштирувчи омил) сифатида ўлим хавфини оширувчи омил эканлигини таъкидлаганлар. Янги коронавирус инфекцияси тасдиқланган беморларда қабул вақтида баҳоланган бир қатор лаборатор ва инструментал кўрсаткичлар ўлим ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатган. Жумладан, КТ ҳулосасига кўра ўпка шикастланиш ҳажми, Д-димернинг юқори миқдори, лейкоцитоз ёки лейкопения ҳолатлари, тромбоцитлар сонининг камайиши, С-реактив оксил (СРО), лактатдегидрогеназа (ЛДГ), ферритиннинг юқори даражада бўлиши ҳамда CD4 ва CD8 хужайралар сонининг пасайиши ана шулар жумласидандир. Реанимация ва интенсив терапия бўлими (РИТБ)даги орган дисфункцияси ривожланган беморлар плазмасида интерлейкинлар — IL-6, IL-1, IL-8, шунингдек, ўсма некрози омили - альфа ва интерферон-гамма миқдорининг ошиши, альфа-1-антитрипсин даражасининг пасайиши кузатишган бўлиб, бу ҳолатлар ўлим хавфини янада оширган<sup>4</sup>.

Бемор ҳолатини тез ва аниқ баҳолаш ҳамда касалликнинг натижасини прогноз қилиш эҳтиёжи прогностик инструментлар яратиш заруриятини белгилайди. Аниқ клиник шароитларга мос равишда, вазиятни доимий

<sup>3</sup> Gao Y.D., Ding M., Dong X., Zhang J.J., Azkur A.K. Risk factors for severe and critically ill COVID-19 patients: A review //Allergy. – 2021. – Т. 76. – №. 2. – С. 428–455.

<sup>4</sup> McElvaney O.J., McEvoy N.L., McElvaney O.F. Characterization of the Inflammatory Response to Severe COVID-19 Illness //Am J Respir Crit Care Med. – 2020. – Т. 202. – №. 6. – С. 812–821.

мониторинг қилиш ва зарурият туғилганда тузатишлар киритиш имкониятига эга бўлган прогностик моделларни ишлаб чиқиш талаб этилади. Касалликнинг илк босқичларида сезгирлиги юқори бўлган янги биомаркерларни аниқлаш ва улар асосида прогнозни баҳолаш усуллари ишлаб чиқиш COVID-19 инфекцияси оқибатларини сезиларли даражада яхшилаш имконини беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий марказнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқотлари Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг тадқиқот режасига мувофиқ амалга оширилди, ҳамда «Далилларга асосланган тиббиёт асосида COVID-19ни этиотроп ва патогенетик даволашнинг янги моделини ишлаб чиқиш» номли илмий лойиҳа режалари ва вазифаларига мувофиқ бажарилди.

**Тадқиқот мақсади** COVID-19 билан касалланган беморларда ҳолат оғирлигини ва касалликнинг ривожланишини прогноз қилиш ҳамда даволаш усуллари оптимал танлаш орқали даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

COVID-19 билан касалланган беморларда касаллик кечиш оғирлигини баҳолаш учун компьютер дастурини ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган компьютер дастуридан фойдаланган ҳолда COVID-19 билан касалланган беморларнинг эрта госпитал босқичдаги триаж (саралаш) самарадорлигини ва оптимал даволаш вариантини танлашни қиёсий жиҳатдан баҳолаш;

компьютер дастурининг касаллик оғирлигини аниқлаш ва унинг кечишини прогноз қилишдаги самарадорлигини ҳамда ахборот қийматини объектив ва субъектив мезонлар асосида баҳолаш;

COVID-19 касаллигининг кечиш оғирлигига турли ҳамроҳ касалликларнинг таъсирини таҳлил қилиш;

прогностик дастур жорий этилгунга қадар ва ундан кейинги даврда COVID-19 касаллигининг клиник кечиши ва натижаларини қиёсий жиҳатда ўрганиш.

**Тадқиқот объекти сифатида** 2020 йил март – декабрь ойлари давомида COVID-19 ташхиси билан Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида (РШТЎИМ) даволанган 1145 нафар бемор батафсил ўрганилган бўлиб, беморлар стационарга госпитализация вақтида қўлланилган триаж турига қараб 2 гуруҳга ажратилган.

**Тадқиқот предмети сифатида** COVID-19 касаллиги кечиш оғирлигини баҳолашда қўлланилган компьютер дастури натижаларининг қиёсий таҳлилидан иборат бўлиб, у қўшимча диагностик мезонлар асосида триаж самарадорлигини, касаллик прогнозини ва унинг натижаларини баҳолашга қаратилган.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда умумий клиник, лаборатория (сийдик ва қоннинг умумий таҳлили, биокимёвий таҳлили, коагулограмма), инструментал тадқиқотлар, шунингдек тиббий-статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

COVID-19 касаллигининг оғир кечишига таъсир этувчи ишончли клиник мезонлар комплекси сифатида жинс, ёш, касаллик бошланганидан ўтган вақт, иситманинг давомийлиги, жисмоний зўриқишсиз нафас қисиши ва узоқ давом этувчи йўтал мезонлари аниқланган ва уларнинг касаллик кечишини оғирлаштирувчи мустақил омиллар сифатида прогностик қиймати исботланган;

COVID-19 билан хасталанган беморларда касаллик кечишининг оғирлик даражасини эрта баҳолаш ва прогноз қилишга мўлжалланган “COVID-19 билан касалланган беморларда касалликнинг оғир кечиш хавфини баҳолаш” компьютер дастури ишлаб чиқилганлиги ҳисобига госпитализация босқичида беморларни стратификация қилиш ва триажни амалга оширишдаги клиник самарадорлиги исботланган;

COVID-19 касаллигининг оғир кечишига ҳамроҳ касалликларнинг таъсири комплекс таҳлил қилинганлиги ҳисобига гипертония касаллиги, қандли диабет, сурункали юрак етишмовчилиги, ишемик юрак касаллиги ва анамнезда бош мия қон айланишини ўткир бузилиши мавжудлигининг асосий касаллик оғир кечиши ва нохуш оқибатлар хавфини ишончли оширувчи омиллар сифатида аҳамияти асосланган;

таклиф этилган компьютер дастурига асосланган тиббий саралашнинг ташкилий ва даволаш самарадорлиги беморларнинг яллиғланиш реакцияси даражасини пасайиши, оғир асоратлар сонини камайиши, реанимация ва интенсив терапия бўлимида ётиш муддатини қисқариши, даволаш натижаларини ишончли даражада яхшиланиши ва ўлим кўрсаткичини камайиши ҳисобига илмий жиҳатдан асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

Госпитал босқичида касаллик оғирлигини эрта баҳолашга мўлжалланган компьютер дастури амалиётга жорий этилгани ҳисобига COVID-19 билан касалланган беморларда касаллик оғирлигини аниқлашнинг аниқлиги ва ишончилиги ошган, беморларни хавф даражасига кўра ўз вақтида саралаш имконияти кенгайган ҳамда организмдаги яллиғланиш реакцияси даражасини ишончли равишда пасайганлиги аниқланган;

COVID-19 касаллигининг оғир кечишини белгилайдиган ишончли клиник прогностик мезонлар аниқлангани ҳисобига касалликнинг оғир шаклда кечиши хавфи юқори бўлган беморларни эрта босқичда ажратиб олиш имкони таъминланган ва оғир асоратлар ривожланишининг олди олинишига эришилган;

COVID-19 касаллигининг оғир кечишига таъсир этувчи ҳамроҳ касалликлар роли илмий жиҳатдан асослаб берилгани ҳисобига юқори хавф гуруҳига кирувчи беморларда даволаш тактикаси индивидуаллаштирилган, натижада оғир асоратлар ва нохуш оқибатлар ривожланиш частотаси камайган;

компьютер дастурига асосланган триаж тактикаси клиник амалиётга жорий этилгани ҳисобига реанимация ва интенсив терапия бўлимида ётиш

муддати қисқарган, даволаш самарадорлиги ошган ҳамда ўлим кўрсаткичи ишончли даражада камайган, беморларнинг ҳаёт сифатини оширишга ёрдам берган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** - тадқиқот жараёнида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник, лаборатор ва статистик тадқиқот усулларига асосланилганлиги, COVID-19 инфекцияси диагностик ва даволаш тактикасининг ўзига хослиги ва тапхислаш натижалари ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти COVID-19 билан касалланган беморларда касаллик кечишининг оғирлик даражасини ва эҳтимолий оқибатларини эрта баҳолаш ҳамда прогноз қилишга мўлжалланган компьютер дастурини ишлаб чиқиш ва илмий жиҳатдан асослаш орқали пандемия шароитида беморларни бошқаришнинг назарий асосларини кенгайтириш билан изоҳланади. Олинган натижалар клиницист-шифокорлар, талабалар, клиник ординаторлар ва тингловчилар учун ўқув жараёнида қўллаш имконига эга бўлиб, клиник қарор қабул қилиш жараёнини илмий жиҳатдан бойитади.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти COVID-19 касаллигининг оғир кечишини белгилайдиган ишончли клиник прогностик мезонларни аниқлаш орқали касаллик патогенези ва клиник кечишининг қонуниятлари ҳақидаги мавжуд тасаввурларни кенгайтиришда намоён бўлади. Аниқланган мезонлар касаллик оғирлигини илк босқичда тўғри баҳолаш, хатолик даражасини сезиларли камайтириш ҳамда даволаш тактикасини индивидуаллаштириш учун илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти COVID-19 касаллигининг оғир кечишига таъсир этувчи ҳамроҳ касалликларнинг ролини комплекс баҳолаш орқали юқори хавф гуруҳига мансуб беморларни эрта аниқлаш имкониятини яратиш билан изоҳланади. Бу эса касалликнинг оғирлашиши ва нохуш оқибатлар ривожланиш хавфини олдиндан прогноз қилиш, шунингдек, назорат ва даволаш чора-тадбирларини ўз вақтида кучайтириш имконини беради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти компьютер дастурига асосланган триаж тизимини қабул-диагностика бўлими фаолиятига жорий этиш орқали касаллик оғирлигини баҳолаш сифатини ошириш, беморларни тиббий саралаш жараёнини такомиллаштириш ва махсус терапияни ўз вақтида бошлаш имкониятини яратиш билан белгиланади. Мазкур ёндашув клиник натижаларни яхшилаш, реанимация ва интенсив терапия бўлимида ётиш муддатини қисқартириш ҳамда ўлим кўрсаткичинини камайтиришга хизмат қилади.

#### **Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.**

Пандемия шароитида COVID-19 билан касалланган беморларга тиббий

ёрдам кўрсатиш натижаларини яхшилаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида «COVID-19 коронавирус инфекцияси билан касалланган беморлар ҳолатининг кечишини башорат қилиш» номли услубий тавсиянома ишлаб чиқилиб, соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этилди (Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Илмий кенгаши мажлиси 4-сонли баёни, 18.09.2025 й.).

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашининг 2025 йил «24» октябр санасидаги № 27/45-сонли баёни хулосасига кўра, олинган илмий тадқиқот натижалари асосида қуйидагилар амалиётга жорий қилинди:

*биринчи илмий янгилик:* COVID-19 касаллигининг оғир кечишига таъсир этувчи ишончли клиник мезонлар — жинс, ёш, касаллик бошланишидан ўтган вақт, ҳарорат реакциясининг давомийлиги, жисмоний зўриқишсиз ҳолда кузатилувчи узоқ давом этувчи йўтал ва нафас қисиш белгилари — касаллик кечишини оғирлаштирадиган ишончли омиллар сифатида тасдиқланди. Ишлаб чиқилган хавф омиллари Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалида (2025 йил 3 октябр, № 232/1 рақамли буйруқ) ҳамда Республика махсус 1-сон Зангиота шифохонаси (2025 йил 10 октябр, № 28/п рақамли буйруқ) амалиётига жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлик:* COVID-19 касаллигининг кечишини оғирлаштирадиган хавф омилларини (эркак жинси, 56 ёшдан юқори бўлиш, касаллик бошланишидан 6 суткадан ортиқ вақт ўтиши, тана ҳароратининг 38°C дан юқори бўлиб, 5 кундан зиёд сақланиши, жисмоний фаолиятсиз ҳолда нафас қисиши ва 5 кундан ортиқ давом этувчи йўтал, шунингдек, Глазго кома шкаласи бўйича ҳуш даражасининг 9–11 баллга тушиши) аниқлаш касаллик оғирлик даражасини ўз вақтида баҳолаш ва шу асосда COVID-19нинг мақсадли махсус даволашини эрта бошлаш имконини яратади. *Иқтисодий самарадорлик:* Касаллик кечишининг оғирлик даражасини белгилайдиган мезонларни илк босқичда аниқлаш клиник натижаларни яхшилашга хизмат қилди. Хусусан, оғир даражадаги ЎРДС ҳолатлари 33,3%га, септик шок ҳолатлари 48,1%га камайган, реанимация бўлимида ётиш ўрин кун муддати 62,3%га қисқарган, ўлим ҳолати эса 30%га пасайган. Бу ўзгаришлар натижасида (бир бемор ҳисобига 1 500 000 сўмдан ортиқ) маблағ тежалиши таъминланди. *Хулоса:* касаллик кечишининг оғирлик даражасини аниқловчи мезонларни эрта аниқлаш махсус даволашни ўз вақтида бошлашга, клиник натижаларни яхшилашга ва COVID-19 беморларида оғир асоратларни олдини олишга хизмат қилади.

*иккинчи илмий янгилик:* COVID-19 билан касалланган беморларда касаллик кечишининг оғирлик даражасини баҳолашга мўлжалланган “COVID-19 билан касалланган беморларда касалликни оғир кечиш хавфини баҳолаш” компьютер дастури илк госпитал босқичида беморларни триаж (саралаш) қилиш самарадорлигини амалий жиҳатдан исботлади. Мазкур ишланма учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги томонидан DGU-12947-сонли гувоҳнома берилган. Дастур Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалида

(2025 йил 3 октябр, № 232/1 рақамли буйруқ) ҳамда Республика махсус 1-сон Зангиота шифохонаси (2025 йил 10 октябр, № 28/п рақамли буйруқ) амалиётига жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлик:* компьютер дастури асосида ишлаб чиқилган самарали триаж (саралаш) усули илк госпитал босқичида беморларни тиббий саралаш сифатини сезиларли даражада яхшилаш имконини берди. Бу орқали тасдиқланган стандартларга мувофиқ тарзда ўз вақтида махсус даволашни бошлаш ҳамда пандемия шароитида даволаш натижаларини яхшилашга эришилди. *Иқтисодий самарадорлик:* илк госпитал босқичида ишлаб чиқилган прогностик дастур асосида амалга оширилган триаж (саралаш) усули касаллик оғирлигини баҳолашдаги хатолик даражасини «енгил ҳолат»даги беморларда 3,3 мартага (назорат гуруҳи — 77,8%, асосий гуруҳ — 23%), «ўртача оғир» беморларда 2,9 мартага (65,2%га нисбатан 22%) ва «оғир ҳолат»даги беморларда 4,1 мартага (40,9%га нисбатан 10%) камайтириш имконини берди. Шунингдек, беморларга дифференциал ёндашув асосида ўз вақтида даволаш чораларини қўллаш орқали клиник натижалар яхшиланган ва реанимация бўлимида ётиш ўрин кун муддати 62,3%га қисқарган, (1 бемор ҳисобига 1 500 000 сўмдан ортиқ маблағ тежалиши таъминланди). *Хулоса:* компьютер дастурига асосланган триаж (саралаш) усули COVID-19 билан касалланган беморларни илк госпитал босқичида самарали тиббий саралашнинг ишончли ва иқтисодий жиҳатдан мақбул усули ҳисобланади.

*учинчи илмий янгилик:* гипертония, қандли диабет, сурункали юрак етишмовчилиги, ишемик юрак касаллиги ва унинг асоратлари, анамнезда инсулт ҳолати ҳамда семириш даражаси каби кўшимча мезонларни ўз ичига олган компьютер дастурининг самарадорлиги COVID-19 касаллигининг кечишини оғирлаштирадиган ишончли омиллар эканини исботлади. Мазкур дастур Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалида (2025 йил 3 октябр, № 232/1 рақамли буйруқ) ҳамда Республика махсус 1-сон Зангиота шифохонаси (2025 йил 10 октябр, № 28/п рақамли буйруқ) амалиётига жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлик:* COVID-19 касаллигининг оғир кечиши ва ўлим хавфи юқорилигини аниқлаш учун хавф даражасини эрта стратификация қилиш, яъни ҳамроҳ патология мавжудлигига қараб баҳолаш (гипертония даражаси, сурункали юрак етишмовчилиги ва ишемик юрак касаллиги мавжудлиги, семириш даражаси, анамнезда БМҚАЎБ ёки миокард инфаркти ҳолатлари) махсус даволашни ўз вақтида бошлаш имконини яратди. Бу орқали ўлим кўрсаткичи 30%га камайган, реанимация бўлимида ётиш ўрин кун муддати эса  $5,31 \pm 2,49$  кундан  $2,00 \pm 1,53$  кунгача қисқарган. *Иқтисодий самарадорлик:* беморларни даволаш натижаларининг яхшиланиши реанимация бўлимида бўлиш муддати қисқариши ҳисобига даволаш харажатларини 62,5%га камайтириш имконини берди. *Хулоса:* ҳамроҳ касалликларни ва уларнинг ифодаланиш даражасини илк босқичда аниқлаш COVID-19 касаллигининг оғир кечиш хавфини эрта стратификация қилиш, унинг оқибатини башорат қилиш ҳамда даволаш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

*тўртинчи илмий янгилик:* таклиф этилган компьютер дастурига асосланган тиббий саралашнинг ташкилий ва даволаш самарадорлиги илмий жиҳатдан исботланди. Мазкур ёндашув COVID-19 билан касалланган беморларда касалликнинг оғир кечиш хавфини эрта аниқлаш ва беморларни мақсадли стратификация қилиш имконини берди ҳамда даволаш тактикаси ўз вақтида белгилаб олинишини таъминлади. Мазкур дастур Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалида (2025 йил 3 октябр, № 232/1 рақамли буйрук) ҳамда Республика махсус 1-сон Зангиота шифохонаси (2025 йил 10 октябр, № 28/п рақамли буйрук) амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлик:* компьютер дастури асосида амалга оширилган триаж яллиғланиш реакцияси даражасини пасайтириш, оғир асоратлар сонини камайтириш, реанимация ва интенсив терапия бўлимида ётиш муддатини қисқартириш орқали беморларни даволаш натижаларини ишончли даражада яхшилаш ҳамда ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини берди. *Иқтисодий самарадорлик:* реанимация ва интенсив терапия бўлимида бўлиш муддатининг қисқариши ҳисобига стационар даволаш билан боғлиқ харажатларни сезиларли даражада камайтиришга эришилди. Хусусан, яллиғланиш реакцияси белгилари 50%га камайган, асоратлар сони 2,5 мартага қисқарган. Бу ўзгаришлар натижасида (реанимация бўлимидаги ҳар бир бемор ҳисобига 550 000 сўмдан ортиқ) маблағ тежалиши таъминланди. *Хулоса:* компьютер дастурига асосланган триаж тактикасини клиник амалиётга жорий этиш COVID-19 касаллигининг оғир кечиш хавфини эрта баҳолаш орқали беморларда «цитокин бўрони» ва яллиғланиш реакциясини бостиришга қаратилган даволашни ўз вақтида бошлаш ва «цитокин бўрони»нинг намоён бўлишини босиш, даволаш самарадорлигини ошириш ва нохуш оқибатларни камайтиришда юқори клиник аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди.

**Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши:** “COVID-19 инфекциясига чалинган беморлар ҳолати кечишини башоратлаш ва самарали даво усуллари танлаш” мавзусидаги диссертацион тадқиқоти натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги тўғрисида илмий янгиликни бошқа даволаш-профилактика муассасаларига жорий этиш бўйича Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг 2025 йил 09 октябрдаги 03-06/2427-сонли хати юборилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та илмий-амалий анжуманда тақдим этилган бўлиб, шу жумладан халқаро миқёсида илмий анжуманда ўтказилган. Шунингдек, тадқиқот РШТЎИМда тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази (ТХКМРМ) анестезиология ва реаниматология кафедре ходимлари иштирокида бўлимлараро муҳокамадан ўтказилган (2025 йил 3 декабр, 12-сонли муҳокама баённомаси).

**Тадқиқот натижалари бўйича нашрлар.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 3 таси маҳаллий ва 2 таси хорижий журналларда илмий нашрларда эълон

қилинган, 1 та услубий қўлланма чоп қилинган, 1 та ЭХМ дастури учун гувоҳнома олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 150 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмда** олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти кўрсатилган, мақсад ва вазифалар белгиланган, тадқиқот объекти ва предмети маълум қилинган, диссертация ишининг Республика илмий ва технологиялари устувор йўналишларига мувофиқлиги акс эттирилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, натижалар клиник амалиётга жорий этилиши ҳақида маълумотлар берилган, шунингдек, чоп этилган ишлар ва диссертация структураси ҳақида маълумотлар тақдим этилган.

Диссертациянинг **«Янги коронавирус инфекцияси: таърифи, вируснинг пайдо бўлиш тарихи ва касаллик кечишининг этиопатогенетик жиҳатлари»** деб номланган биринчи бобида COVID-19 янги коронавирус инфекциясининг келиб чиқиш тарихи, касаллик авж олишининг бошланиши, унинг эпидемиологияси ва пандемия даражасида тарқалиши ёритилган. Шунингдек, қўзғатувчи вируснинг генетик хусусиятлари, этиологияси, патогенези ва патоморфологиясига оид маълумотлар берилади. Бобда касалликнинг клиник манзараси, кечиш хусусиятлари ва COVID-19 янги коронавирус инфекцияси ривожланишининг хавф омиллари батафсил баён қилинган. Мавжуд прогностик дастурларнинг хавф омилларини аниқлашдаги ўрни ва уларнинг COVID-19нинг оғирлик даражасига таъсири таҳлил қилинади, шу билан бирга янги математик прогностик моделларни ишлаб чиқиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот материаллари ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотга жалб қилинган беморларни саралаш мезонлари, тадқиқот дизайни ҳамда қўлланилган текширув усуллари баён этилган. Тадқиқотга 2020 йил март ойидан декабрь ойигача бўлган даврда Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий марказида COVID-19 ташхиси билан даволанган 1145 нафар бемор киритилди. Барча беморлар иккита гуруҳга ажратилди (1-расм).

1-гуруҳ (назорат гуруҳи) — 177 нафар бемор. Уларда касалликнинг оғирлик даражаси госпитализация босқичида қабул бўлими шифокори томонидан беморнинг клиник симптоматикаси ва «COVID-19 билан касалланган беморларни даволаш бўйича клиник тавсиялар» (олтинчи нашр, 2020 й.) да келтирилган оғирлик мезонлари асосида баҳоланган. 2-гуруҳ (асосий гуруҳ) — 968 нафар бемор. Бу гуруҳда касаллик оғирлик даражаси РШТЎИМда ишлаб чиқилган «COVID-19 билан касалланган беморларда

касалликни оғир кечиш хавфини баҳолаш” компьютер дастури асосида баҳоланган. Барча беморларда даволаш тактикаси «COVID-19 билан касалланган беморларни даволаш бўйича клиник тавсиялар»нинг олтинчи нашри (2020 й.)га мувофиқ амалга оширилган бўлиб, даво муолажалари касаллик оғирлиги ва даво бошланган вақтга қараб ҳар икки гуруҳда ҳам мувофиқлаштирилган.

## ТАДҚИҚОТ ДИЗАЙНИ



**1-расм. Тадқиқот дизайни.**

Назорат гуруҳидаги беморларнинг ўртача ёши  $63,14 \pm 14,68$  йилни ташкил этди (95% ишонч интервали — 60,96–65,31 йил), асосий гуруҳда эса ўртача ёш  $54,43 \pm 16,17$  йил бўлиб, 95% ишонч интервали — 53,41–55,45 йилни ташкил этди. Жами беморлар ичида эркаклар 52,8% (604 нафар), аёллар эса 47,2% (541 нафар) ни ташкил этган. Беморларда ҳамроҳ касалликлар мавжудлигини таҳлил қилиш натижасида, назорат гуруҳида бундай касалликларга эга беморлар сони нисбатан кўп эканлиги аниқланди. Энг кўп учраган патологиялар қуйидагича бўлди: юрак ишемик касаллиги, инфарктдан кейинги кардиосклероз ва юрак етишмовчилигининг биргаликда намоён бўлиши — 16,4% (187 нафар бемор); Гипертония касаллиги — 13,7% (157 нафар бемор), бу кўрсаткич ҳар икки гуруҳда ҳам деярли бир хил бўлган; Қандли диабет — 6,4% (74 нафар бемор): назорат гуруҳида 9,6%, асосий гуруҳда 5,9% ҳолатларда аниқланган; Гипертония ва қандли диабетнинг биргаликда учраши — 6,3% (73 нафар бемор), бу кўрсаткич назорат гуруҳида асосий гуруҳга нисбатан 2 баравар юқори бўлган; Семизлик асосий гуруҳда 2,5 баравар кўп (6,2%) кузатилган, назорат гуруҳида эса 2,8%ни ташкил этган.

Назорат гуруҳидаги беморларда касалликнинг оғирлик даражаси «COVID-19 билан касалланган беморларни даволаш бўйича клиник тавсиялар» (олтинчи нашр, 2020 йил) асосида белгиланган. Клиник тавсияларга мувофиқ, оғирлик даражаси беморнинг клиник белгилари ва ҳолатига қараб аниқланган. Асосий гуруҳ беморларида касаллик оғирлик даражасини аниқлаш Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази ва

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси А.В. Романовский номидаги Математика институти ҳамкорлигида ишлаб чиқилган компьютер дастури — «COVID-19 билан касалланган беморларда касаллик оғирлик даражасини баҳолаш тизими» асосида амалга оширилган.

Ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ, беморнинг клиник манзараси ва шикоятларидан ташқари, касаллик оғирлигини кучайтирадиган қўшимча мезонлар ҳам аниқланади. COVID-19 кечиш оғирлигини баҳолаш учун қўлланиладиган ушбу тизимда стандарт клиник белгилардан ташқари қўшимча кўрсаткичлар ҳам инобатга олинган, жумладан: Бемор ёши; Гемодинамик кўрсаткичлар — сист.АҚБ, диастолик артериал босим - диас.АҚБ, ЮҚС; Антропометрик кўрсаткичлар — бўй, вазн; Ҳамроҳ патологиялар мавжудлиги ва уларнинг тури — гипертония касаллиги (ГК), қандли диабет (ҚД), юрак ишемик касаллиги (ЮИК), ўпка – бронх тизими касалликлари, қон тизими патологиялари, онкологик касалликлар, семизлик ва бошқалар; Асосий касаллик фонида ривожланган асоратлар — пневмония, ўткир нафас етишмовчилиги, юрак-қон томир етишмовчилиги, интоксикация ва ҳ.к.

Институт математики имени В.И.Романовского Академии наук Республики  
Узбекистан  
РНЦЭМП

Система ведения пациентов с COVID-19  
COVID-19 bemorlarni boshqarish tizimi

Данные первичного осмотра пациентов с COVID-19 при приеме:  
COVID-19 bilan kasallangan bemorlarni dastlabki tekshiruvdan ma'lumotlar:

- Температура тела / Tana harorati
- Частота дыхания / Nafas olish chastotasi
- Частота сердечных сокращений / Yurak urish chastotasi
- Артериальное давление / Arterial bosim
- Сатурация кислорода / Kislorod saturatsiyasi
- Сопутствующие заболевания / Qo'shimcha kasalliklar
- Осложнения / Asoratlar

Выберите действие / Amalni tanlang

Ввод данных пациента / Bemor ma'lumotlarini kiritish

Лабораторные анализы / Laboratoriya tahlillari

Просмотр результатов / Natijalarni ko'rish

Главная страница / Bosh sahifa

## 2-расм. Компьютер дастур интерфейси

Касаллик кечишини оғирлаштирадиган мезонлар аниқланган ҳолда, беморнинг касаллик оғирлик даражаси бўйича прогностик баҳоси қабул-диагностика бўлимидаёқ аниқланади. Шу асосда дастур орқали ҳисобланган прогноз натижаларига кўра беморларни триаж қилиш амалга оширилган: энгил даражадаги беморлар — стационар бўлимига, ўртача оғир ва оғир даражадаги беморлар — реанимация ва интенсив даволаш бўлимлари (РИТБ)га госпитализация қилинган. Ишлаб чиқилган ушбу компьютер дастурига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги

Интеллектуал мулк агентлиги томонидан берилган № DGU 12947-сонли гувоҳнома олинган

Беморларни даволаш «COVID-19 билан касалланган беморларни даволаш бўйича клиник тавсиялар» (олтинчи нашр, 2020 йил) асосида амалга оширилган. Беморларни текшириш жараёнида, анамнезни пухта тўплаш билан бир қаторда, клиник текширув усуллари — кўздан кечириш, перкуссия, пальпация ва аускультация қўлланилган. Шу билан бирга, нафас олиш ташқи тизими (сони ва характери) ҳамда системали гемодинамика ҳолати баҳоланган.

Клиник маълумотлардан ташқари, рентгенологик, вирусологик, бактериологик, гематологик ва иммунологик текширув усулларида фойдаланилган. Қабул бўлими ва текширув бўлимида барча беморларга ЭКГ, қорин бўшлиғи аъзоларининг УТТ, кўкрак қафаси КТ ва бошқа кераклик текширувлар ўтказилган.

Рутин текширувлар қуйидагиларни ўз ичига олган: бўй ва вазни ўлчаш, қон гуруҳи ва резус-факторни аниқлаш, ПЗР тест, қонда антитаналарни аниқлаш, қон ва сийдикнинг умумий таҳлили, коагулограмма, қоннинг биокимёвий таҳлили. Инструментал текширув усуллари сифатида қуйидагилар қўлланилган: кўкрак қафаси КТ, ЭКГ, УТТ.

Тадқиқот доирасида қуйидаги йўналишлар бўйича таҳлил ва баҳолаш ишлари олиб борилган: COVID-19 юқиш йўллари; Беморларни госпитализация қилиш усули; объектив текширув усуллари; субъектив текширув усуллари; COVID-19 оғирлик даражасининг демографик кўрсаткичлар (жинс, ёш) билан боғлиқлиги; COVID-19 оғирлик даражасининг клиник симптомлар хусусиятларига боғлиқлиги; ҳамроҳ касалликларнинг COVID-19 кечишига таъсири; беморларни ҳолат оғирлик даражаси бўйича триаж натижалари; касалликнинг клиник кечиши ва унинг якуний натижалари (соғайиш ёки ножўя ҳолатлар).

Статистик таҳлил StatTech v.4.8.8 дастури (ишлаб чиқарувчи — ООО «Статтех», Россия) ёрдамида амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Қабул-диагностика бўлимида триаж босқичида беморлар ҳолатини солиштирма таҳлили**» деб номланган учинчи бобида ҳар икки гуруҳга киритилган беморларнинг дастлабки ҳолати бўйича қиёсий таҳлил натижалари баён этилган.

Анамнез маълумотларини таҳлил қилиш, хусусан COVID-19 юқиш йўллари кўрсаткичини баҳолаш натижасида аниқланишича, беморларнинг асосий қисми ҳар икки гуруҳда ҳам оила аъзолар орқали юқтирган — бу ҳолат 42,7% (490 нафар бемор)ни ташкил этган. Қолган ҳолларда юқиш манбалари қуйидагича тақсимланган: бемор билан бевосита контакт орқали — 31,7% (357 нафар), чэт эл сафари вақтида — 0,3% (4 нафар), бошқа сабаблар билан — 26,2% (300 нафар). COVID-19 юқиш йўллари кўрсаткичини гуруҳлар кесимида таққослашда статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар аниқланмади ( $p = 0,312$ ). Стационарга ётқизилиш йўллари таҳлил қилиш натижасида аниқланишича, беморларнинг катта қисми — 87,2% (999 нафар) — стационарга ўзи мурожаат қилган. Қолган ҳолларда госпитализация

қуйидагича тақсимланган: тақсимлаш марказларидан — 20,6% (122 нафар), тез тиббий ёрдам орқали — 0,9% (11 нафар), поликлиника йўлланмаси орқали — 1,1% (13 нафар). Гуруҳлар кесимида госпитализация йўлларини таққослашда статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар аниқланмади ( $p = 0,144$ ).

Клиник манзара ва субъектив баҳолаш натижалари таҳлил қилинганда маълум бўлдики, ушбу касалликка хос бўлган барча симптомлар ҳар икки гуруҳда ҳам деярли бир хилда кузатилган ва статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ аниқланмаган. Аниқланган асосий клиник белгилалар қуйидагича тақсимланган: йўтал — 75,8% беморларда; тана ҳароратининг кўтарилиши — 86,7%; бош оғриғи — 80%; ҳолсизлик ва чарчоқ — 98,6%; мушак оғриқлари — 57,4%; ҳид сезишни йўқотиш — 22%; таъм сезишни йўқотиш — 19,7%; ич кетиши — 9,9%; қайт қилиш — 6,7%; нафас қисилиши — 87%; кўкрак соҳасида оғриқ — 23,2% беморларда кузатилган. Беморларнинг ҳолатини объектив баҳолаш натижасида қуйидаги маълумотлар олинди: беморларнинг катта қисми қабул вақтида ҳуши аниқ ҳолатда бўлган — 87,9%. Қолган ҳолатлар қуйидагича тақсимланган: ступор — 6,1%; сопор — 4%; турли даражадаги кома ҳолати — 1,9%. Гуруҳлар орасидаги фарқларни таҳлил қилиш натижасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар аниқланмади ( $p = 0,116$ ).

Госпитализация босқичида гемодинамик кўрсаткичлар — сист.АҚБ, диаст.АҚБ, юрак қисқаришлар сони (ЮҚС),  $P_s$ ,  $SpO_2$ , нафас олиш сони (НОС)ни таҳлил қилиш натижасида гуруҳлар орасида кичик, аммо статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар қайд этилди. Ўртача НОС қийматлари I–II даражали нафас етишмовчилигига мос келган, бу эса беморларнинг кўп қисми енгил ва ўртача оғир даражада бўлганини кўрсатади. Инструментал текширув маълумотларини таҳлил қилиш натижасида қуйидагича натижалар олинди: кўкрак қафаси аъзоларининг КТ маълумотларига кўра, беморларнинг катта қисмида ўпка шикастланишининг 1-даражаси аниқланган — назорат гуруҳида 23,2%, асосий гуруҳда эса 33,5% беморларда. 2-даражали шикастланиш назорат гуруҳида 29,4%, асосий гуруҳда 24,8% ҳолларда қайд этилган. 3-даражали шикастланиш эса назорат гуруҳида 16,9%, асосий гуруҳда 11,6% беморларда кузатилган. Бу ҳолатда гуруҳлар орасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ аниқланган ( $p = 0,044$ ).

Электрокардиографик текширув ЭКГ натижаларини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги маълумотлар олинди: Беморларнинг катта қисмида чап қоринча гипертрофияси аниқланган — назорат гуруҳида 50,3%, асосий гуруҳда 52,5%. Коронар қон айланишининг бузилиши ҳолатлари асосий гуруҳда 10,2%, назорат гуруҳида 20,3% беморларда қайд этилган. Аритмиялар нисбатан кам учраган — назорат гуруҳида 1,7%, асосий гуруҳда 1,0% ҳолатда. Патологик ўзгаришлар аниқланмаган ЭКГ натижалари эса назорат гуруҳида 27,7%, асосий гуруҳда 36,2% беморларда кузатилган.

Кўкрак қафаси аъзоларининг рентгенологик текшируви натижасида қуйидаги маълумотлар олинди: Патология аниқланмаган ҳолатлар назорат гуруҳида 22%, асосий гуруҳда эса 32% беморларда кузатилган. Бронхит белгилари асосий гуруҳда нисбатан кўпроқ — 9,5%, назорат гуруҳида эса 2,3% беморларда қайд этилган. Пневмониянинг турли даражадаги шакллари

назорат гуруҳида 75,6%, асосий гуруҳда эса 58,5% беморларда аниқланган. Шундай қилиб, клиник манзара, бемор шикоятлари, анамнез маълумотлари, клиник ва инструментал текширув натижалари ҳамда лаборатор кўрсаткичларни таҳлил қилиш натижасида тадқиқотга жалб этилган ҳар икки гуруҳ орасида аҳамиятли фарқлар аниқланмади.

Диссертациянинг «**COVID-19 касаллиги оғирлик даражаси ва кечишини башоратловчи математик компьютер дастурининг самарадорлиги ва ахборот қийматини таҳлил қилиш**» деб номланган тўртинчи бобда касаллик оғирлик даражасини аниқлаш ҳамда унинг кейинги кечишини башоратлашда қўлланилган компьютер дастурининг самарадорлиги ва ахборотий аҳамияти ёритилган. Шу билан бирга, касаллик кечишини оғирлаштирувчи қўшимча мезонларни инобатга олган ҳолда дастурнинг прогноз тавсифлари баҳоланган.

Ишлаб чиқилган касаллик кечишининг оғирлик даражасини башорат қилувчи компьютер дастури бемор ҳолатини баҳолашдаги субъектив хатоларни камайтиришга ҳамда касалликнинг кейинги, олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган ривожланиш жараёнини аниқроқ прогноз қилиш имконини берди. Дастур таркибига киритилган мезонлар қуйидагилардан иборат бўлди: беморнинг ёши; гемодинамик кўрсаткичлар — сист.АҚБ, диаст.АҚБ, ЮҚС; антропометрия кўрсаткичлари — бўй, вазн; ҳамроҳ касаллик мавжудлиги ва унинг тури — ГК, ҚД, ЮИК, бронхо-ўпка тизими касалликлари, семизлик ва бошқалар; асосий касаллик фонида юзага келган касаллик асоратлари — пневмония, ўткир нафас етишмовчилиги, ўткир юрак-қон томир етишмовчилиги, интоксикация ва ҳ.к. Ушбу мезонлар беморларни касаллик оғирлик даражасига кўра бошланғич босқичдаёқ — қабул-диагностика бўлимида — тўғри гуруҳлаш ва триаж қилиш имконини яратди. Бу эса касалликнинг салбий ривожланиш жараёнларини олдиндан баҳолаш ҳамда беморни клиник ҳолатига мос стационар бўлимига жойлаштиришни таъминлади. Эркак беморларда касалликнинг оғир даражада кечиши ҳолатлари аёлларга нисбатан 34,3%га кўпроқ кузатилган, аёллар эса асосан касалликнинг ўртача оғирлик даражасидаги шаклини бошдан кечирган. 50 ёшдан катта бўлиш COVID-19нинг ўртача оғирлик даражасида кечиш эҳтимолини 12,6%га, 56 ёшдан катта бўлиш эса оғир кечиш ҳолатларининг тез-тез учраш эҳтимолини 20,8%га оширган. «Касаллик бошланишидан ўтган вақт» мезони оғирлик даражасига статистик жиҳатдан аҳамиятли таъсир кўрсатган. Яъни, бемор касаллик бошланишидан кейин қанчалик кеч госпитализация қилинган бўлса, касаллик шунчалик оғир кечган. Тадқиқотимизда касаллик симптомлари бошланишидан госпитализациягача бўлган муддатнинг 2 суткага узайиши COVID-19нинг оғир кечиш эҳтимолини 25%га оширган. Шунингдек, йўтал давомийлигининг госпитализациягача 1,3 кунга чўзилиши касалликнинг ўртача оғирликдаги кечишига, йўтал давомийлигининг госпитализациягача 2 ёки ундан ортиқ суткага чўзилиши эса оғир даражадаги кечиш эҳтимолини 39%га оширган. Тана ҳарорати кўтарилишининг 5 кундан ортиқ давом этиши касалликнинг оғир кечиш эҳтимолини 41,6%га оширган. «Одатий жисмоний фаолият пайтида

ҳансираш» мавжуд бўлган беморларда COVID-19нинг оғир кечиш эҳтимоли 70%ни ташкил этган, «тинч вақтидаги ҳансираш» эса оғир кечиш хавфини 80%дан ортиқ оширган. Бошқа мезонлардан — НОС ва SpO<sub>2</sub> — ҳам касаллик оғирлигини аниқлаш ёки прогноз қилишда аҳамиятли ва етакчи омиллар сифатида тасдиқланмаган. Худди шундай ҳолат сист.АҚБ, диаст.АҚБ, ЮҚС мезонларида ҳам кузатилган бўлиб, улардаги ўзгаришлар ҳам касаллик оғирлик даражасини аниқлаш ёки унинг клиник натижаларини башорат қилишда аҳамиятли ўрин ўйнамаган.


